

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗИРОВ САРДОРБЕК УЛУГБЕК ЎҒЛИ

**ТАНА СОҲАСИДА КУЙИШ АСОРАТЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ
ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Назирова Сардорбек Улугбек ўғли

Тана соҳасида куйиш асоратлари бўлган беморларни хирургик даволаш усуллари оптималлаштириш..... 3

Назирова Сардорбек Улугбек ўғли

Оптимизация способов хирургического лечения больных с последствиями ожогов туловища..... 25

Nazirov Sardorbek Ulugbek ugli

Optimization of methods of surgical treatment of patients with consequences of trunk burns..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗИРОВ САРДОРБЕК УЛУГБЕК ЎҒЛИ

**ТАНА СОҲАСИДА КУЙИШ АСОРАТЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ
ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1282 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадазимов Мадамин Муминович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Фаязов Абдулазиз Джалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ходжиматов Гуломиддин Минходжиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Куйишлар бутун дунё бўйлаб соғлиқни сақлашнинг асосий муаммоси бўлиб, ҳар йили фақат ёнғинлар туфайли 265000 га яқин инсон вафот этади. 329 миллион аҳолига эга АҚШ да ҳар йили тахминан 40000 киши куйиш билан шифохонага ётқизилади, ушбу беморларнинг 60 фоизи ихтисослаштирилган комбустиологик марказларида даволанади. Ривожланаётган мамлакатларда эса айнан шу статистик маълумотлар кескин фарқланади. Ҳиндистонда аҳоли сони АҚШ га қараганда уч барабар кўп ва 2020 йил ҳолатига 1,3 миллиарддан ошади. Таҳлилларга кўра, ўша йили тахминан 750000 дан 820000 гача одам қаттиқ куйишлар туфайли шифохонага ётқизилган, бу эса АҚШда шифохонага ётқизилганлар сонидан 20 барабар кўп. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили Бангладешда 173000 га яқин бола ўртача ва оғир даражадаги куйишларга дучор бўлади. Бангладеш, Колумбия, Миср ва Покистонда куйган болаларнинг 17 фоизи вақтинча, 18 фоизи эса доимий ногиронликка эга¹. Пластик хирургияда реконструктив вазифаларнинг кенг доираси қамраб олингани холда, янги инновациялар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда, аммо куйиш оқибатларини даволаш иқтисодий жиҳатдан қиммат ва ҳақиқатан ҳам қийиндир. “Куйиш ҳолатлари юқори, аммо даволаш ва профилактика учун инфратузилма ва маблағлар чекланган”² паст ва ўрта даромадли мамлакатларда вазият янада мураккаблашмоқда. Шунга қарамай, беморларни самарали даволаш, касалланишни минималлаштириш ва хирургик аралашувни талаб қиладиган оғир куйишларда харажатлар нархини сезиларли даражада камайтириш учун чекланган муқобил имкониятлар мавжуд.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ўткир термик куйиш жароҳатларини даволаш учун тиббий ёрдам кўрсатиш жойида тери хужайраларининг аутологик хужайралари суспензиясини (ASCS) тезкор тайёрлаш имконини берувчи инновацион технологияларни ишлаб чиқиш энг долзарб бўлиб қолмоқда, вақтинчалик боғламларнинг, тери ўрнини босувчиларнинг ва ауто трансплантация техникаси самарадорлигини баҳолаш учун бир қатор рандомизацияланган назорат остидаги синовлар ўтказилмоқда, нанотиббийёт ва биомимикрия соҳасидаги сўнгги ютуқлар юмшоқ ва қаттиқ тўқималар, нервлар ва томирлар муҳандислигини осонлаштирадиган, ишлаб чиқилган имплантлар ёки тўқималарни оптималлаштириш орқали яхшиланган биомослашувчан ва тўқималар интеграцияси учун пойдевор қўядиган кейинги реконструктив тараққиётдан дарак бермоқда, тўқималар муҳандислиги ўзида биоматериаллар, хужайра биологияси, матрица биологияси ва трансплантация фанининг элементларини бирлаштирган рақобатбардош муқобил ечим сифатида намоён бўлмоқда, бунинг учун эса асосий технологик воситалардан бири нанотиббийёт бўлади.

¹ WHO Fact Sheet: Burns. URL: <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/burns>. 2020.

² Sibbald RG, Ayello EA. Deep Burns: Comparing the Developed and Developing World. *Adv Skin Wound Care*. 2019 Jan;32(1):5. doi: 10.1097/01.ASW.0000550458.48419.d5.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари куйишдан кейинги чандиқли контрактура ва деформацияларда интенсив даволашнинг ва хирургик тактиканинг илғор технологияларини жорий этиш орқали тананинг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонлари бўлган беморларни ва улар билан боғлиқ патологик ҳолатларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чораларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, реконструктив аралашув усулини танлашда тактик ёндашувларни оптималлаштириш, шунингдек, янги пластик усулларни ишлаб чиқиш ушбу патологиянинг юқори клиник аҳамияти сабаб пластик хирургиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги 30 йил ичида куйишнинг жисмоний битиши ва психологик таъсирини баҳолайдиган биологик маркерларни аниқлашда ютуқларга эришилди. Куйишлар мавжудлиги билан боғлиқ жами 59 та, айниқса жараёнларга, яллиғланишга, жароҳатни битишига, ўсишга ва метаболизмга боғлиқ биомаркерлар аниқланган. Бундан ташқари, куйиш жароҳатидан кейинги стресс реакцияси каскадида иштирок этадиган биомаркерлар аниқланган⁴. Сўнгги ўн йилликларда куйиш жароҳатларини даволашда катта ютуқларга эришилди. Бироқ, терининг барча қатламлари зарарланган ва тери ости тўқималари шикастланиши мумкин бўлган чуқур куйиш жароҳатларини даволаш ҳали

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴Morgan Carlton, Joanne Voisey, Tony J Parker, Chamindie Punyadeera, Leila Cuttle, A review of potential biomarkers for assessing physical and psychological trauma in paediatric burns, *Burns & Trauma*, Volume 9, 2021, tkaa049, <https://doi.org/10.1093/burnst/tkaa049>

хам жуда мураккаб, чунки донор майдонлар зарурати мавжуд⁵. Болаликда олд кўкрак деворининг тўлиқ қалинликдаги куйиши ривожланаётган сут безининг сезиларли даражада бузилишига олиб келадиган ҳалокатли муаммодир. Деформацияланган, куйган кўкрак жиддий эстетик муаммони келтириб чиқаради ва беморларнинг функционал бузилишига, шунингдек, оғир ҳиссий травмага олиб келиши мумкин. Hussein M.A. (2021) m.latissimus dorsi ning оёқчадаги мускул-терици лахтагини (LDMF) куйишдан кейинги кўкрак реконструкциясида кўкракнинг пастки қутби учун яхши реконструктив восита деб ҳисоблайди. Унда ишончли универсал тери пластинаси бўлиб, унинг ёрдамида кўкрак қафасининг бутун пастки қутбини тиклаш мумкин⁶. Naalla R. (2019) хам худди шу фикрда бўлиб, LDMF қўл ва тананинг турли юмшоқ тўқималари нуқсонларини минимал асоратлар билан реконструкция қилишнинг оддий ва универсал варианты эканлигини таъкидлайди⁷. Роботлаштирилган хирургия эстетик жиҳатдан яхшироқ натижалар ва асоратларнинг пастлиги ҳисобига анъанавий хирургия усулларида устун бўлишда давом этмоқда⁸. Робот ёрдамида LDMF йиғиш эндоскопик чекловларни бартараф этиш ва чандиқ узунлигини сезиларли даражада қисқартириш учун хавфсиз, амалга оширса бўлган ва самарали воситадир⁹. Сўнгги ўн йилликда лазер терапиясининг турли усуллари чандиқни даволашнинг универсал ва ажралмас қисмига айланди. Cox C. (2022) маълумотларига кўра, гипертрофик чандиқ тўқимасини нишонга олиш учун селектив фототермолиз ва фракцион абляциядан фойдаланиш чандиқ таркибини модуляция қилишнинг янги усули бўлиб, чандиқнинг қисқариши ва контрактуранинг бўшатилишига олиб келади¹⁰.

Терининг хусусиятларидаги фарқларни минималлаштириш учун яқин соҳадаги тери лахтакларида фойдаланиш куйишдан кейинги чандиқни реконструкция қилишнинг олтин стандарти ҳисобланади. Бироқ, “чандиқни бартараф этиш ва донор худудининг касалланишини минималлаштириш ўртасида мувозанат ўрнатиш мураккаб масала бўлиб, у зарарланган соҳа ўлчамларига, майдонига ва тери лахтаги сифатида фойдаланиш учун чандиқ бўлмаган тўқималарнинг мавжудлигига боғлиқ”¹¹. Балки шунинг учун Chen Y. ва ҳаммуал. (2021) 3D босиб чиқаришни келажак деб ҳисоблашади¹².

⁵Zanganeh M, Keshavarzi A, Dahmardehei M, Ghadimi T, Abdalkhani A, Dehghani A. Skin Grafting Compared with Conservative Treatment in Patients with Deep Second-Degree Burn Wounds of the Trunk and Buttocks. *World J Plast Surg.* 2022 Mar;11(1):81-85. doi: 10.52547/wjps.11.1.81.

⁶Hussein MA, Abdelkader R, El-Henawy AN, Makarem K. Lower Pole Breast Reconstruction Using Muscle-sparing Latissimus Dorsi Flap in Postburn Breast Deformity. *Plast Reconstr Surg Glob Open.* 2021 Sep 22;9(9):e3835. doi: 10.1097/GOX.0000000000003835.

⁷Naalla R, Bhattacharyya S, Saha S. Versatility of the Pedicled Latissimus Dorsi Myocutaneous Flap in Reconstruction of Upper Limb and Trunk Soft Tissue Defects. *J Hand Microsurg.* 2020 Dec;12(3):168-176.

⁸Vourtsis SA, Paspala A, Lykoudis PM et al. Robotic-assisted harvest of latissimus dorsi muscle flap for breast reconstruction: review of the literature. *J Robot Surg.* 2022 Feb;16(1):15-19.

⁹Fouarge A, Cuylits N. From Open to Robotic-assisted Latissimus Dorsi Muscle Flap Harvest. *Plast Reconstr Surg Glob Open.* 2020 Jan 20;8(1):e2569. doi: 10.1097/GOX.0000000000002569.

¹⁰Cox C, Bettiol P, Le A, MacKay BJ, Griswold J, McKee D. CO₂ laser resurfacing for burn and traumatic scars of the hand and upper extremity. *Scars Burn Heal.* 2022 Jan 5;8:20595131211047694.

¹¹Hayashida K, Akita S. Surgical treatment algorithms for post-burn contractures. *Burns Trauma.* 2017 Mar 14;5:9.

¹²Chen Y, Niu Z, Jiang W et al. 3D-printed models improve surgical planning for correction of severe postburn ankle contracture with an external fixator. *J Zhejiang Univ Sci B.* 2021 Oct 15;22(10):866-875.

Хусусан, улар ЗДРМ ни қўллаган ҳолда ҳар бир беморга хос хирургик режалаштиришни тавсия қиладилар, бу ташрих давомийлигини сезиларли даражада қисқартиради ва беморнинг қониқишини яхшилаган ҳолда анъанавий хирургик режалаштириш билан солиштирганда тўпиқ бўғими ҳаракатчанлиги ва функциясида яхшиланишларни таъминлайди.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, сезиларли ютуқлар ва натижаларга қарамай, турли хил этиологияли куйишларнинг оғир оқибатларини бартараф этиш учун янада самарали реконструктив технологиялар ва биоматериалларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Муқобил сифатида, самарадорликни баҳолаш, яқин ва узоқ муддатдаги асосий камчиликларни аниқлаш учун мавжуд пластика усулларини таққослайдиган йирик рандомизацияланган тадқиқотлар ўтказилиши керак. Шу муносабат билан тананинг куйишдан кейинги чандиқли деформацияларини пластиканинг такомиллаштирилган усулларини клиник тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг самарадорлигини аниқлаш пластик хирургиянинг долзарб йўналиши ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ И-26-сон «Куйиш оқибатлари бўлган беморларни хирургик реабилитациясининг янги тизимини клиникага жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 й.).

Тадқиқотнинг мақсади пластиканинг мавжуд ташрих усулларини такомиллаштириш ва янги усулларини ишлаб чиқиш орқали тананинг куйишдан кейинги чандиқли деформацияларини хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тананинг чандиқли шикастланишларини маҳаллий тўқималар билан анъанавий усулда пластика қилишнинг асосий камчиликларини ва қониқарсиз натижаларининг частотасини аниқлаш;

тананинг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонларини тилинган трансплантат билан эркин тери пластикаси натижаларини аниқлаш;

интраоператив балон дермотензиясидан фойдаланган ҳолда тананинг кичик ўлчамдаги чандиқли нуқсонларини маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш усулини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

тананинг ўрта ва катта ўлчамдаги чандиқли нуқсонларида тўлиқ қалинликдаги эркин аутодермопластика усулини модификациялаш ҳамда самарадорлигини баҳолаш;

сут безларининг чандиқли нуқсонларида таклиф этилган пластика усулларининг самарадорлигини қиёсий жиҳатдан аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббий марказининг жароҳат оқибатлари ва ортопедия бўлимида тана соҳасининг куйишдан кейинги

нуқсонлари, юмшоқ тўқималарнинг чандикли деформациялари туфайли амалиёт ўтказилган 206 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети тана юмшоқ тўқималарининг куйишдан кейинги чандикли нуқсонларини реконструкция қилиш ва тиклаш бўйича кўп босқичли ташрихлар ўтказилган 206 нафар беморларда амалга оширилган клиник тадқиқотлар натижаларини таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус (транскутан термометрия, транскутан оксиметрия (ТСРО₂)) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тананинг куйишдан кейинги ўрта ва катта ўлчамдаги чандикли деформацияларини бартараф этиш учун лахтакнинг зич ёпишишини таъминлаш ва трансплантатнинг буришиш хавфини камайтириш орқали лахтакдаги битиш жараёнларини яхшилашга қаратилган эркин тўлик қалинликдаги аутодермопластика усули ишлаб чиқилган;

маҳаллий тўқималарни чўзиш соҳасида таянч каркас сифатида титан пластинкасида фойдаланиш орқали самарадорликка эришиладиган тезкор балон дермотензияси билан тавсифланувчи қорин олд деворининг чандикли деформацияларини бартараф этиш усули модификацияланган;

маҳаллий тўқималарни ташрих вақтида балонли чўзиш қорин олд деворининг чандикли деформациясини бартараф этиш учун пластик материал майдонини кенгайтиришга, қопламанинг ранги ва тузилиши бўйича қопланувчи тўқималарнинг идеал мослигини таъминлашга, шунингдек кўчириб ўтказилган лахтакларда сезгини сақлаб қолишга имкон бериши исботланган;

нуқсонларнинг ўлчамлари, реконструктив аралашувларнинг тури ва босқичларига боғлиқ ҳолда лахтаклар битиш хусусиятларининг патогномоник тавсифлари ҳамда тананинг куйишдан кейинги чандикли шикастланишлари пластикаси қониқарсиз натижаларининг хавф омиллари аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

реконструктив аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш йўллари аниқлашга имкон берган тананинг куйишдан кейинги чандикли деформацияларини пластика қилишнинг анъанавий усулларининг камчиликлари ҳамда қониқарсиз натижалар ривожланишининг сабаблари аниқлаштирилган;

сут безларининг куйишдан кейинги чандикли деформацияларини бартараф қилишнинг тавсия этилган усули техник жиҳатдан соддалиги, трансплантатнинг янада оптимал битиши ва ташрихдан кейинги даврда лахтакнинг буришиш эҳтимолини олдини олиши ҳисобига хирургик даволаш муддатларини қисқартиришни таъминлаши исботланган;

қўшни соғлом тўқималарнинг етарли даражада чўзилиши ҳамда донор майдонларни олиш ва шунга мос равишда уларни ёпиш зарурияти инкор этилиши ҳисобига тана соҳасидаги кичик ўлчамдаги чандикли нуқсонларни

бир босқичда бартараф этиш имконияти каркасда тезкор балон дермотензиясини ўтказиш усулининг афзалликлари эканлиги аниқланган;

тана соҳасидаги чандикли нуқсонларини пластика қилишнинг тавсия этилган усуллари функционал ва эстетик натижаларни яхшилаши, аралашувлар босқичларини, госпитализация муддатларини ҳамда даволанишнинг умумий давомийлигини камайтириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, катта ўлчамдаги деформацияларни бартараф этишнинг янги усулларини ишлаб чиқишга имкон берган тананинг куйишдан кейинги чандикли шикастланишлари пластикасининг қониқарсиз натижасини башорат қилувчи омилларни, турли хил лахтақларни битиш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тана соҳасидаги чандикли нуқсонларни пластика қилишнинг тавсия этилган усулларида фойдаланиш трансплантатнинг янада оптимал битиши ва узок муддатдаги асоратларни олдини олиши ҳисобига функционал ҳамда эстетик натижаларни яхшилашга, босқичлар сонини ва хирургик даволашнинг умумий давомийлигини камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тананинг куйишдан кейинги оқибатлари бўлган беморларда янги хирургик даволаш усулини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Сут безларини эркин тўлиқ қаватли аутодермопластика қилиш усули» ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2022 йил 20 февралдаги IAP 06815-сонли ихтиро учун патенти). Таклиф этилган усул қорин олд деворининг чандикли деформацияларини бартараф этиш учун пластик материалнинг майдонини кенгайтиришга, қопламанинг ранги ва тузилиши бўйича алмаштириладиган тўқималарнинг идеал мослигини таъминлашга, шунингдек, кўчириб ўтказилаётган лахтақларнинг сезгирлигини сақлаб қолишга имкон берган;

тананинг куйишдан кейинги оқибатлари бўлган беморларда мавжуд хирургик даволаш усулини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тананинг куйишдан кейинги чандикли деформацияларини аутодермопластика қилишнинг такомиллаштирилган усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 17 январдаги 08-00712-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар тананинг ўрта ва катта ўлчамдаги куйишларида реконструктив ташрихларга ёндашувларни оптималлаштириш, лахтақларни

битиш жараёнларини яхшилаш ва ташрихлар босқичлари сонини камайтириш имконини берган;

тананинг куйишдан кейинги оқибатлари бўлган беморларни хирургик даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, хусусан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган ва Фарғона филиаллари 1-хирургия бўлимларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 17 январдаги 08-00712-сон маълумотномаси). Тананинг турли ўлчамдаги чандиқли деформацияларида маҳаллий ва эркин тўлиқ қаватли пластика қилишнинг таклиф этилган усулларидан фойдаланиш яхши натижаларнинг частотасини 62,4% дан 81,9% гача ошириш, 16,8% ва 18,1% ҳолларда қониқарли натижаларга эришиш ва қониқарсиз натижалар улушини 20,8% дан асосий гуруҳда бартараф этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижалари апробацияси ва чоп этилганлиги, диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тананинг куйишдан кейинги чандиқли деформациялари реконструктив хирургиясининг эволюцияси**» деб номланган биринчи бобида тананинг куйиш жароҳатлари эпидемиологияси, куйиш жароҳатлари ўртасидаги характерли фарқлар, чандиқ тўқимасини алмаштириш усуллари ва куйиш жароҳатлари учун боғламлар масалалари акс эттирилган беш кичик бўлим ва резюмедан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган. Боб охирида келгусидаги тадқиқотларни талаб қилувчи баҳсли масалалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник кузатувлар ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи боби беморлар ва қўлланилган тадқиқот усулларининг хусусиятларига бағишланган. Тадқиқотнинг материали сифатида 2015 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббий марказининг реконструктив хирургия бўлимида тана соҳасининг куйишдан кейинги нуқсонлари, юмшоқ тўқималарнинг чандиқли

деформациялари туфайли амалиёт ўтказилган 206 нафар беморлар олинган. Чандикли деформацияларни пластикасига кўра, барча беморлар икки гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳга такомиллаштирилган пластика вариантлари ўтказилган 105 бемор, таққослаш гуруҳига пластиканинг анъанавий усуллари қўлланилган 101 бемор киритилди. Чандикли деформацияларнинг ўлчамига кўра, асосий гуруҳда қўлланилган такомиллаштирилган пластика усулларининг техник жиҳатлари қуйидаги йўналишларга бўлинган:

- Маҳаллий тўқималарни интраоператив баллонли чўзиш билан пластика қилиш – кичик майдонли чандикли деформациялари бўлган 43 бемор (таққослаш гуруҳига маҳаллий тўқималар билан пластика қилинган 24 бемор ва олдиндан чўзилган маҳаллий тўқималар билан пластика қилинган 36 бемор киритилган);

- Тўлиқ қалинликдаги эркин тери пластикаси – ўрта катталиқдаги чандикли деформациялари бўлган 24 бемор (таққослаш гуруҳига тилинган трансплантант билан эркин тери пластикаси амалга оширилган 22 бемор киритилган);

- Комбинацияланган пластика (маҳаллий ва эркин терини пластикасининг тавсия этилган вариантларининг комбинацияси) – катта майдонли чандикли деформациялари бўлган 38 бемор (таққослаш гуруҳига тилинган трансплантант билан эркин тери пластикаси амалга оширилган 19 бемор киритилган).

1-жадвалда беморларни чандикларни бартараф этиш гуруҳлари ва турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилган, агар таққослаш гуруҳида маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш ва тилинган трансплантант билан эркин тери пластикаси қўлланилган бўлса, асосий гуруҳда баллонли чўзиш билан маҳаллий тўқималар пластикаси, тўлиқ қалинликдаги эркин пластика ва уларнинг комбинацияси устунлик қилган.

1-жадвал


Беморларни тананинг чандикли зарарланишларини бартараф этиш гуруҳлари ва турлари бўйича тақсимланиши

| Ташрих тури | Таққослаш гуруҳи | | Асосий гуруҳ | | Жами | |
|--|------------------|------|--------------|------|------|------|
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| Маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш | 24 | 23,8 | 0 | 0,0 | 24 | 11,7 |
| Олдиндан чўзилган маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш | 36 | 35,6 | 0 | 0,0 | 36 | 17,5 |
| Тилинган трансплантант билан эркин тери пластикаси | 41 | 40,6 | 0 | 0,0 | 41 | 19,9 |
| Интраоператив баллонли чўзиб маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш | 0 | 0,0 | 43 | 41,0 | 43 | 20,9 |
| Тўлиқ қалинликдаги эркин пластика қилиш | 0 | 0,0 | 24 | 22,9 | 24 | 11,7 |
| Комбинацияланган пластика қилиш | 0 | 0,0 | 38 | 36,2 | 38 | 18,4 |
| Жами | 101 | 100 | 105 | 100 | 206 | 100 |

Диссертациянинг учинчи бобида “**Тананинг чандиқли деформацияларини анъанавий пластика усуллари натижалари таҳлили**” берилган. Пластика натижаларини яхшилаш учун дастлаб анъанавий операциялар усуллари натижаларини таҳлил қилиш амалга оширилди. Таққослаш гуруҳининг барча беморлари нуқсон ҳажмига ва шунга мос равишда уни бартараф этиш усулига қараб тақсимланди. Кичик нуқсонларда маҳаллий тўқималар билан пластика (МТП), шунингдек, олдиндан чўзилган маҳаллий тўқималар билан пластика (ОЧМТП) ўтказилди. Ўрта ва катта майдонли нуқсонларда тилинган трансплантант билан эркин тери пластикаси (ТТЭТП) ўтказилди.

Маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш. Ушбу усул чандиқли нуқсонларни бартараф этишда энг узоқ вақт талаб қилувчи усуллардан бири бўлиб, 3 дан 8 гача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Беморларнинг 24 нафаридан фақатгина 45,8 фоизида чандиқли нуқсонни 4 босқичда бартараф этишга эришилди. Беморларнинг ярмидан кўпида пластиканинг 5 ва ундан ортиқ босқичларини ўтказиш лозим бўлди. 114 та аралашувларга, ўртача, 25 (21,9%) ҳолатда маргинал некроз, 9 (7,9%) ҳолатда яра четларининг ажралиши билан чокларнинг ситилиши ва 2 (1,8%) ҳолатда жароҳатнинг йиринглаши қайд этилди. Ўз навбатида, ушбу асоратларнинг ҳар бири тегишли даволаш чораларини талаб қилди, 16 (53,3%) ҳолатда уларни консерватив йўл билан бартараф этишга муваффақ бўлинди. 14 (46,7%) ҳолатда некрэктомия ва иккиламчи тугунли чоклар қўйиш керак бўлди. Узоқ муддатли натижалар барча босқичлар 6 ойдан 12 ойгача бажарилгандан сўнг баҳоланди. Кўпол гипертрофик чандиқ шаклланиши 4 (16,7%) ҳолатда қайд этилди, шундан 3 та ҳолатда қайта ташрих ўтказилган. 2 та (8,3%) ҳолатда деформацияларнинг қайталаниши қайд этилган, бу консерватив тарзда бартараф этилган. Ҳаммаси бўлиб, 6 (25,0%) ҳолатда узоқ муддатли асоратлар қайд этилган, уларнинг ярми такрорий ташрихларни талаб қилган.

Маҳаллий тўқималар билан пластика қилишда узоқ муддатли яхши натижалар фақатгина 15 (62,5%) ҳолатда, қониқарлиси - 6 (25%) ва қониқарсиз - 3 (12,5%) ҳолатда олинди (1-расм).



1-расм. Маҳаллий тўқималар билан пластика қилишнинг узоқ муддатли жамланма натижалари

Шундай қилиб, МТП кўп босқичли (ҳар бир бемор учун ўртача $4,8 \pm 1,7$ босқич) ёндашувни қўллаш зарурати билан боғлиқ бўлган чандикли нуқсонларни бартараф этишининг узайган даври билан тавсифланади, бу ҳам умумий шифохона муддатини (барча босқичларда) – $17,8 \pm 6,5$ кун, ҳам бутун даволанишнинг бевосита умумий давомийлигини – $25,9 \pm 11,0$ ой, сезиларли даражада узайтиради, шу билан бирга, яқин муддатдаги маҳаллий асоратларнинг частотаси ўртача 26,3% ни (24 беморда 114 та операцияга 30 та асорат), узоқ муддатдаги асоратлар – 25% ни (24 бемордан 6 тасида) ташкил этди, бу умуман олганда 62,5% ҳолларда (15) яхши натижаларга, беморларнинг 25% да (6 бемор) қониқарли ва 12,5% да (МТП дан кейин 24 беморнинг 3 тасида) қониқарсиз натижаларга эришиш имконини берди.

Олдиндан чўзилган маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш (ОЧМТП). Клиникамизда МТП натижаларини яхшилаш учун олдиндан чўзилган маҳаллий тўқималарни қўллаш усули таклиф қилинди. Бу маҳаллий соғлом тўқималарни кўпайтириш орқали нуқсонни бартараф этиш учун босқичлар сонини сезиларли даражада камайтириш имконини берди. Салбий томони, 1-3 ой давом этиши мумкин бўлган олдиндан чўзиш босқичини киритиш зарурати, шунингдек, экспандерни ўрнатиш пайтида маҳаллий асоратлар ривожланиши мумкинлиги бўлиб, бу баъзи ҳолларда ушбу усулнинг самарадорлигини пасайтиради. Кўпинча қон айланишининг бузилиши туфайли лахтакости гематомалари ва экспандер таъсирида ётоқ яраларининг шаклланиши қайд этилди. Фарқи шундаки, агар гематома консерватив йўл билан бартараф этилган бўлса, экспандер таъсиридаги ётоқ яра – МТП кўринишидаги жарроҳлик аралашувини талаб қилди. Босқичлар сони сезиларли даражада қисқарди, беморларнинг аксарияти пластиканинг фақат 2 босқичига муҳтож бўлди – 30 (83,3%). 3-4 босқичларда чандикли деформациянинг қолдиқ зоналари МТП орқали коррекция қилинди.

Ушбу кичик гуруҳда пластиканинг 4 босқичининг ҳар биридан кейин яқин муддатдаги асоратларнинг частотасини ўргандик. Биринчи босқичда экспандер асоратлари 17 (47,2%) ҳолатда қайд этилди. 2-босқичдан сўнг, 2 (5,6%) ҳолатда маргинал некроз қайд этилди, 2 (5,6%) ҳолатда яра четларининг ажралиши билан чокларнинг ситилиши содир бўлган, улардан бирида жароҳат йирингланган. 4-босқичдан кейин ҳеч қандай асоратлар кузатилмади.

Узоқ муддатли натижалар 6 ойдан 12 ойгача бўлган муддатларда бажарилган барча босқичлардан сўнг баҳоланди. Ҳаммаси бўлиб, яқин даврдан сўнг, 31 беморда ОЧМТП бўйича узоқ муддатли натижалар ўрганилди, чунки 5 тасида дастлабки даврда қониқарсиз натижалар – 2 тасида экспандерга аллергик реакция, 3 тасида ётоқ яра ва етарли даражада чўзмасдан экспандерни олиб ташлаш қайд этилган. Беморларнинг 31 нафаридан 3 (9,7%) тасида кўпол гипертрофик чандик пайдо бўлди, уларнинг 1 нафаридан (33,3%) такрорий операция ўтказишга тўғри келди.

Шундай қилиб, ОЧМТП чандик атрофидаги соғлом тери майдонини кўпайтириш орқали зарарланган ҳудудни тўлиқ реконструкция қилиш босқичлари сонини сезиларли даражада камайтириш имконини беради,

уларнинг сони ҳар бир бемор учун ўртача $2,2 \pm 0,5$ ни ташкил қилди ($p < 0,001$), бу шифохонада бўлиш муддатини (барча босқичларда) $9,8 \pm 1,8$ кунгача ($p < 0,001$) ва бутун даволанишнинг бевосита умумий давомийлигини $4,4 \pm 3,6$ ойга ($p < 0,001$) қисқартиришни таъминлади.







Тилинган трансплантатли эркин тери пластикаси (ТТЭТП). Беморларнинг кейинги гуруҳида ТТЭТП қўлланилган. Асоратлар 18 (43,9%) беморда ривожланган. Трансплантат лизисининг ривожланишида консерватив чоралар 12 бемордан 8 тасида муваффақиятли бўлди, трансплантат мустақил равишда эпителизацияланди. Трансплантат илдиз олмаган 4 беморда 12-14-кунда грануляция пайдо бўлгунга қадар яра тозаланганидан сўнг, қайта операция ўтказилди. Асосий босқич 6 ойдан 12 ойгача амалга оширилгандан сўнг 37 беморда узоқ муддатли натижалар баҳоланди, 4 беморда (41 тадан) яқин даврдаёқ коникарсиз натижа қайд этилди. Энг кўп учраган асорат иккиламчи ретракция – 8 (21,6%) бўлиб, бу ҳолатларнинг барчасида қайта операция ўтказилди. Қолган 8 ҳолатда – кўпол гипертрофик чандиқ шаклланиши, депигментация ва трансплантатнинг гиперпигментациясида консерватив чоралар етарли бўлди.

Шундай қилиб, анъанавий пластика усуллари орасида тилинган трансплантатли эркин тери пластикаси тананинг каттароқ ҳажмли (ўрта ва катта) чандиқли нуқсонларини бир босқичда алмаштириш имконияти билан тавсифланади, шу билан бирга такрорий реконструкцияларни ҳисобга олган ҳолда босқичлар сони, коникарсиз натижа фонида, ҳар бир бемор учун ўртача $1,3 \pm 0,5$ (МТП га нисбатан $p < 0,001$) ни ташкил этди, аммо шифохона даврининг давомийлиги (барча босқичларда) $16,2 \pm 5,2$ кунгача узайди ($p < 0,001$).

Диссертациянинг **“Тананинг куйишдан кейинги чандиқли деформацияларини пластика қилиш усулларини такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи бобида тананинг куйишдан кейинги чандиқли деформацияларида пластиканинг такомиллаштирилган усуллари келтирилган.

Маҳаллий тўқималарни интраоператив баллонли чўзиш билан пластика қилиш. Тананинг кичик майдонли чандиқли деформацияларида маҳаллий тўқималарни интраоператив баллонли чўзиш орқали қорин олд деворининг чандиқли деформацияларини бартараф этиш усули таклиф қилинган.

Соғлом ва чандиқли тўқималар ўртасидаги чегарада қорин олд деворининг таянч каркасини яратиш учун баллон ва титан пластинка ўлчамини ҳисобга олган ҳолда мушакларнинг фасциясигача тери кесмаси амалга оширилади. Баллон сифатида Foley катетери ишлатилган. Тўқималар ўткир ва ўтмас йўллар билан мобилизация қилиниб, баллон учун тери остида чўнтак ҳосил қилинади. Мушакларнинг фасцияси устига атроф тўқималарни атравматизация қилиш учун кирралари юмалоқ бўлган титан пластинка ўрнатилади. Сўнгра пластинка устига Foley катетери жойлаштирилади, жароҳат вақтинча тугунли чоклар билан беркитилади. Баллонга киритилган суюқлик ҳажми Foley катетери рақамига монанд ҳисобланади (2-расм).


| | |
|---|--|
|  |  |
| <p>Чандиқ кўриниши</p> | <p>Титан пластинкани ўрнатилиши</p> |
|  |  |
| <p>Foley катетерини ўрнатилиши</p> | <p>Баллонни чўзиш</p> |
|  |  |
| <p>Чандиқни кесиб олиш</p> | <p>Пластиканинг якуний кўриниши</p> |

2-расм. Маҳаллий тўқималарни интраоператив баллонли чўзиш орқали пластика қилиш.


Баллон таранглашгунга қадар тўлдирилади. Ишлаб чиқилган схемага кўра, 3 та цикл бўйича баллонни чўзиш амалга оширилади. Баллоннинг шишган ҳолати 4 дақиқа давомида сақланади; кейин физиологик эритма чиқарилади ва тўқималар 5 дақиқа давомида “дам олдирилади”. Шундан сўнг, тўқималарнинг мавжуд захирасини ҳисобга олган ҳолда, чандиқлар кесилади ва ҳосил бўлган жароҳат интраоператив чўзилган тўқималар билан ёпилади. Операциянинг давомийлиги 70-80 дақиқани ташкил этади (2-расм).

Каркасда тез баллонли дермотензия усулининг афзалликлари - атроф соғлом тўқималарнинг етарли даражада чўзилиши туфайли тананинг кичик чандиқли нуқсонларни бир босқичда бартараф қилиш имконияти ва шунга мос равишда донор сохаларни олиш сўнгра бу сохани ёпиш заруратининг йўқлиги ҳисобланади. Ушбу усул жарроҳлик аралашувини сезиларли даражада мураккаблаштиради, аммо узайтирмайди, лекин айти пайтда у натижалар сифатини яхшилашга қаратилган.


Тўлиқ қалинликдаги эркин аутодермопластика усули. Таклиф этилган усулнинг моҳияти куйидагилардан иборат: сут безларини деформацияловчи чандиқлар соғлом тўқималарга (тери ости ёғ қавати ёки мушаклар) қадар кесилади, сут бези қарама-қарши томон билан симметрик ҳолатга келтирилади, жароҳат соннинг ички юзасидан олинган тўлиқ қаватли эркин аутодермотрансплантат билан ёпилади. Трансплантат ва соғлом тўқималарнинг четлари тугунли атравматик чоклар билан тикилади. Ҳар бир бир нечта чокда 10-12 см гача бўлган ипларнинг узун учлари қолдирилади, шундан сўнг трансплантат устига 20 тадан 50 тагача стерил дока шарлари гумбаз шаклида қўйилади. Бунда, дока шарлари куйидаги тартибда қўйилади: дастлаб шариклар периферия бўйлаб 2 қават қўйилади, марказ яқинида, шариклар қатлами 7-8 қатламга кўпайтирилади, натижада ярим сферик шакл ҳосил бўлади. Бу трансплантатга бир хил босим бериш учун керак (3-расм).



Эркин аутодермотрансплантат



Стерил салфеткалар устида
гумбазсимон шаклда тугунлар
қўйиш









“Пелот” боғламининг якуний
кўриниши

3-расм. Сут безларининг куйишдан кейинги чандиқли деформациясида тўлиқ қалинликдаги эркин аутодермопластика. “Пелот” боғламини қўйиш схемаси.

